

Зафар НАЖМИДДИНОВ,
тарих фанлари номзоди
Наманган муҳандислик-технология
институтини катта ўқитувчиси

ИБРОҲИМ ИБН ИСМОИЛ АС-САФФОР ВА УНИНГ МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Мотуридийлик таълимоти тарихини ёритувчи янги манбаларни илмий муомалага киритиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур таълимотнинг 12-асргача бўлган тарихини ўрганишда Саффор ал-Бухорий қаламига мансуб асарлар муҳим манбадир. Саффор илмий мероси хорижий ғарб ва араб давлатларида ўрганилган бўлишига қарамасдан, ўз она юртида эътибордан четда қолиб келмоқда. Ушбу асарларни Мовароуннаҳрда илоҳиёт жанрида ёзилган ва бугунгача тўла ўрганилмаган “Жумал усул ад-дин”, “Равзат ал-уламо” (Али ибн Йаҳйо аз-Зандависатий) ва “Китоб усул ад-дин” (Абу-л-Йуср ал-Баздавий) асарлари билан бир қаторга қўйиш мумкин.

Олимнинг тўлиқ исми Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ибн Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Шис ибн Наср ас-Саффор ал-Воилий ал-Ансорий бўлиб, унинг аждодлари Ўрта Осиёда ислом тарқала бошлаган пайтда келган арабларга тақалади. Саффорлар оиласи Бухоронинг таниқли уламолари табақасига мансуб бўлган ва ушбу оиланинг камида тўртта авлоди шаҳар илмий ҳаётида салмоқли ўринга эга бўлганлар. Табақот муаллифи Қурашийга кўра, Иброҳимнинг отаси Исмоил, бобоси Аҳмад ибн Исҳоқ

ҳамда ўғли Ҳаммод барчалари таниқли уламо бўлганлар¹. Олим Бухорода 534 йил 26 рабиъ ал-аввал/1139 йил 19 декабрда вафот этган.

Сулоланинг илк вакили Аҳмад ибн Исҳоқ ас-Саффор ёшлик пайтида Бухородан Маккада ҳаж қилиш учун сафар қилган ва у ерда муқим яшаб қолгани маълум. Унинг қабри Тоифда жойлашган.²

Исмоил ибн Аҳмад эса ҳақиқатпарвар, ҳақ сўзни айтишдан ҳеч қачон қайтмаган олим сифатида танилган. У Қорахоний ҳукмдори Наср ибн Иброҳимга амр-и маъруф ва наҳй-и мункар қилишга ҳаракат қилган пайтда 461/1069 йилда ҳукмдор буйруғи билан ўлдирилади.³

Ҳаммод ибн Иброҳим ас-Саффор ҳам ўз даври уламоларининг етакчиси ва Бухоронинг жомий масжидининг жума имоми бўлгани маълум. Қурашийга кўра, VI/XII аср бухориликлар одати бўйича бўйича жума хутбасини бир киши, намозга эса бошқа, илмлироқ киши имомлик қилган.⁴ Ҳаммод 576/1180 йилда вафот этган.

¹ Ал-Жавохир ал-музийя. Ал-Хулв таҳрири остида. 1-жилд, 73-75-бетлар (бундан кейин ал-Жавохир ал-музийя).

² ал-Жавохир ал-музийя, 1-жилд, 142-143-бетлар.

³ ал-Жавохир ал-музийя, 1-жилд, 395-бет.

⁴ ал-Жавохир ал-музийя, 2-жилд, 145-146-бетлар.

Иброҳим ас-Саффор илоҳиёт соҳасида камида учта асар ёзган бўлиб, улардан фақат иккитаси етиб келгани маълум:

1) “Шайх Саффорнинг ўзидан сўралган саволларга жавоблари” (тўлиқ номи: *hādīhi risālatun fihā masā’il su’ila ‘anhā š-šaiḥ al-fāḍil Abū Ishāq Ibrāhīm b. Ismā’il b. Abī Naṣr aṣ-Ṣaffār al-Anṣārī al-Wā’ilī raḥimahu-llāhu ta’ālā fa-ağāba ‘anhā wa-ağāda*). Асарнинг маълум ягона нусхаси Париждаги Франция миллий кутубхонасида Arabe 4808 рақами остида сақланади (вар. 57a-71a).⁵ Ушбу қисқа рисола имон, охират, Аллоҳни тушда кўриш, халифалик каби илоҳиёт мавзулари билан бир қаторда бошқа кундалиқ ижтимоий-сиёсий масалаларда сўралган масалаларга Саффорнинг жавобларини ўз ичига олган.

Асарда учраган Абу Бакр Абу Муҳаммад, Абу-л-Фазл ал-Кирмоний (вар. 65б), Ҳамид ад-дин ас-Саффор ал-Балхий (вар. 65б) каби мотуридий таълимотидаги ўринлари тадқиқ қилиниши лозим бўлган мутакаллимлар қарашларини таҳлил қилиш лозим. “Масоил”да Саффор муътазиллийларга раддия сифатида қабр азобининг ҳақлигини илгари суради ва бу азоб қабрга кирмаган жасадларга ҳам тааллуқли экани, зеро Аллоҳ таоло гуноҳкорларни қабрсиз ҳам азоблашга қодир экани ҳақидаги қарашни илгари суради (вар. 69б).

Саффор назаридаги долзарб муаммолардан яна бири ўша пайтда Бухорода кенг тарқалган бузуқ эътиқоддаги айрим гуруҳлар ва уларнинг аҳолидан пул талаб қилишига муносабатдир: “[Шайхдан] *дор ал-ислом*даги зўравонларни (*aṣ-ṣalāma*) қатл қилиш ҳақида сўралди – ушбу иш жоизми ёки йўқми? [Шайх] айтдилар: “Агар [зўравон қароқчилар] ҳаром мол-мулк тўплаётган бўлсалар ва менга ўз улушимни (*ḥaqqī*) бер!” деб бошқаларга зулм қилаётган бўлсалар, бунинг устига ботилни ҳақ деб эътиқод ҳам қилсалар, бундай инсонларнинг куфрга ҳукм қилинади ва уларни қатл

қилиш мубоҳ ҳисобланади. Шайх, имом Абу Бакр Абу Муҳаммаддан бу ҳақида сўралганида эса “Бухоро машойихларидан эшитгандимки, бундай қароқчиларни (*aṣ-ṣalāma*) уларнинг куфри учун эмас, балки ёмонлигидан сақланиш мақсадида қатл қилиш мубоҳдир. Зеро, ёмонликни даф қилиш вожибдир”, деган” (вар. 67a-67б). Эслатиб ўтиш жоизки, Саффор бу ном билан айнан қайси гуруҳни назарда тутганини очиқ айтмаган.

2) Саффорнинг бизгача етиб келган ва хорижлик тадқиқотчилар эътиборини жалб қилган асосий асари эса “Талхис ал-адилла ли-қавоъид ат-тавҳид” [Тавҳид қоидаларига доир далилларни ихчамлаштириш]дир. Асарнинг куйидаги қўлёзма нусхалари маълум:

Испаниядаги Эскуриал кутубхонасида 1472 рақами остида сақланувчи нусха. 201 ғаракдан иборат бўлиб, 885/1480-1481 йилда кўчирилган. Ҳар бир бетда 21 қатор ўрин олган.⁶

Йель университети (АҚШ) кутубхонасида Beinecke 89 рақамли нусха. У 228 ғарак бўлиб, ҳар бир бетда 28 қатор жойлашган. Қўлёзма 1800 йилда кўчирилган.

Лондондаги Британия музейи нусхаси Add 27526 инвентар рақами остида сақланади. 130 ғарак бўлиб, ҳар бетда 27 қатор мавжуд. 844/1480 йилда кўчириб тамомланган.

Юқорида зикр қилинган қўлёзмалар асосида асарнинг илмий-танқидий матни германиялик тадқиқотчи Ангелика Бродерсен томонидан 2011 йилда Байрутда Orient-Institut Beirut ва “Муассасат ал-байон” нашриёти ҳамкорлигида нашр қилинган. Ношир Бродерсен нашрга араб тилида батафсил кириш қисми ёзган. Унинг асосида А.Бродерсеннинг немис тилида нашр қилган мақолалари ётади⁷. Нашр

⁶ Қўлёзманинг рақамланган нусхасини <https://ia601300.us.archive.org/31/items/M-DER-SCOR-1700/no1472.zip> адреси орқали кўчириб олиш мумкин.

⁷ Angelika Brodersen. Das Kapitel über die “schönen Namen Gottes” im Talḥiṣ al-adilla li-qawā'id at-tauḥīd des Abū Ishāq aṣ-Ṣaffār al-Buḥārī (gest. 534/1139) // Zeitschrift der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft, vol. 164, no. 2 (2014), pp. 375-406; A. Brodersen. Der Schlaf ist der Bruder des Todes. Einige Traditionen über Schlaf und Traum

сўнгида батафсил исмлар кўрсаткичи ҳам мавжуд.

Шу билан бирга, мисрлик тадқиқотчи Хишом Иброҳим Маҳмуд ҳам асарни магистрлик иши сифатида ўргангани ва нашр этгани маълум.⁸

Саффор “Талхис ал-адилла” ўзига қадар ёзилган 21 та манбадан фойдаланган. Улардан Абу Абдуллоҳ ибн Аби Ҳафс ал-кабирнинг “ар-Радд ʼала аҳл ал-аҳво” (47, 50, 55, 120, 262, 567, 743, 815, 817, 826, 848, 849, 880-б.) ва Абу Жаъфар ал-Ҳиндувоний қаламига мансуб “Ғариб ар-ривойот” (57-б.) асарлари Ўрта Осиёда ёзилган ва бугунгача етиб келмаган ҳисобланади. Аини пайтда Саффор ўз қаламига мансуб “ал-Ибона ʼан исбот ар-рисолот” [Пайғамбар-расулликнинг исботи учун баён қилувчи] асарини ҳам зикр қиладики (138, 801-б.), бу унинг илоҳиёт соҳасидаги асарлари камида учта бўлганини кўрсатади. “Талхис ал-адилла”дан илк иқтибос мотуридий илоҳиётчиси Абу-л-Баракот ан-Насафийга оидлиги эса Саффорнинг ушбу калом йўналишида чуқур ҳурматга эгалиги билан изоҳланади.⁹

“Талхис ал-адилла”да қуйидаги гуруҳлар ва шахсларга алоҳида раддия берилган: қадариййа, Жоҳиз, Муъаммар, муътазиладан бир қисми, Каъбий, Асамм, рофизийлардан бир қисми, Шайтон ат-Ток, кайсониййа, рофизийлар, хорижийлар, йазидийлар, жаҳмийлар, нажжорийлар, мужассима карромийлар, мужаббира (727-733-б.). Аини пайтда, асарда номи келтирилган эътиқодий гуруҳлар сони юзга яқин бўлиб, улардан айримлари қуйидагилар: баҳшамиййа (236, 857-б.), базиъиййа (606-б.), бишриййа (139-б.), бароҳимиййа

(850-б.), ботиниййа (92-94, 849, 856, 868-б.), аҳл ан-нужум (848, 850-б.), жаноҳиййа (851-б.), жаҳмиййа (26 ўринда), хитобиййа (605, 606, 851-б.).

“Талхис ал-адилла”да илоҳиёт мавзулари ўз давригача бўлган асарлар ичида энг батафсил шаклда муҳокама қилинган. Саффор имонда истисно қилиш (*ин шаа-ллаҳ муслим*) мавзусини ўрганар экан, бухоролик ҳадис олими Субазмунининг (ваф. 340/951 й.) “Қашф ал-осор фи манокиб Аби Ҳанифа” асарида тўртта хабарни ўз фикрига асос сифатида келтиради (819-20-б.).

Авлиёларнинг каромати мавзуси қуйидагича ёритилган: “Аҳл ас-сунна ва-л-жамоага кўра, авлиёлар каромат кўрсата олиши шубҳасиздир. Бунга далил сифатида *Асҳоб ал-қаҳф* қиссаси ҳамда Сулаймон пайғамбарнинг тахтини кўз очиб юмғунича олиб келган хизматкори воқеасини келтирадилар. Саҳобийлар ва тобиъинларнинг ҳам баъзан каромат кўрсатганлари ҳақида хабарлар бор.


Айрим олимлар эса каромат содир бўлиши мумкинлигини инкор қилганлар. Мисол учун, Абу Абдуллоҳ аз-Заъфаронийнинг Муҳаммад ибн Муқотилга шундай дегани маълум: “Иброҳим ибн Адҳамни Тарвийа [зу-л-ҳижжанинг саккизинчи] куни Басрада, ўша куни кечроқ эса Маккада кўрибдилар?!” Шунда Муҳаммад ибн Муқотил “Ким шундай деган бўлса ҳам кофир бўлибди”, деган жавобни берган. Чунки, бу мўъжизадир; мўъжизани расул ва пайғамбардан бошқага нисбат берган киши эса диндан чиқади. Бунга жавобан Заъфароний шундай деган: “Менинг назаримда бу одам кофир эмас, балки ёлғончидир” (811-813-б.).

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Саффор асарлари бўйича юртимизда олиб борилаётган тадқиқотлар ўзининг илк босқичида. “Масоил” рисоласининг танқидий матнини тайёрлаш ва нашр қилиш, “Талхис ал-адилла”нинг ўзбек тилида тадқиқ ва таржимасини тайёрлаш мотуридийшунослар олдида турган вазифалардан биридир.

und ihre Funktion in der theologischen Argumentation as-Saffār al-Buḥārī (gest. 534/1139) // C.Gilliot. T.Nagel (Hg.), Das Prophetenḥadīṭ. Dimensionen einer islamischen Literaturgattung. Nachrichten der Akademie der Wissenschaften zu Göttingen, I. Philologisch-historische Klasse, Jahrgang 2005, Nr. 1, S. 98-107.

⁸ Ушбу нашр билан танишишнинг имкони бўлмади.

⁹ Абдуллоҳ Исмоил. “Ал-Иътиمود фи-л-иътикод”. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Франкфурт университети (Германия), 2003. 99-б.



Париж қўлёзмасининг илк саҳифаси.